

(ТАСС).
Ташқи ишлар доимий комиссиясининг
мажлиси ҳам бўлиб ўтди. (УзТАГ).

қатнашшига эришшг энг муҳим вазифадир. Бугунги кунда чорва-
чилигини юксалтириш зарбдор фронт деб эълол қилинган экан,
партия, Совет, қишлоқ ҳукалати органлари бу умумхалқ ишга бош-
чилиқ қилишлари, чорвадорларнинг ижодий ғайрат ва ташаббус-
ларини янада авж олдиришлари лозим.



БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ХУРРИЯТ
ҚУШИҚЧИСИ

Бугун жаҳон прогрессив жамоатчилиги улуғ невис шоири Генрих Гейне туғилган кунининг (1797—1856) 175 йиллигини жаҳон маданиятининг йирик байрамларидан бири сифатида қизгин нишонламоқда. Унинг қуқур инсоний лирикаси, сиёсий ва жанговар шеърлари, публицистик асарлари бадий тафаккур оламидаги нодир намуналаридир.

Шоирнинг ота-онаси Гейненинг савдогар бўлишини хоҳлар эдилар. Лекин Гейненинг қалбини савдогарлик эмас, балки шеърят қуқур қизқитирар эди. У Бонн, Геттинг, Берлин дорилфунунларида тахсил кўради. Дастлабки шеърларини «Ешлик изтироблари» тўпламига жамлаб, 1821 йилда чоп эттирди.

XVIII асрнинг 20-йилларида Гейне «Ватанга қайтиш», «Шамол дегиз» туркумлари устида ишлади ва уларни «Қушқилар китоби»га бириштирди. Гейнега эксплуатация асосига қурилган жамият — Пруссия монархияси мутлақо ёқмас эди. Шоир меҳнаткаш омманинг боқис ва аянчи ҳаётининг босиси шу тузум эъломига тўғри тушди. Бу кечинмалар унинг «Ватанга қайтиш» туркумидаги ўткир ҳаёвий рухли шеърларида инъикос топди.

Гейне 1824—1831 йилларида «Йул лавҳалари» номи асрини ёзиб тавомлашди. Шоирнинг бу давр жоди халқ манфаатини кўйловчи ва оммани озодлик курашларида қизқитирувчи рух билан суғрилган. 1831 йилда Гейне Францияга муҳомиликка кетади ва у ерда шоир Иоль революциясининг шохиди бўлди. Унинг «Француз ишлари» китоби шоир қалбини мана шу даврдаги ўйлари ва кечинмалари самарасидир. 1840 йиллар Гейне ижодининг гуллаб-яшнаган даври ҳисобланади. У 1843 йилнинг декабрь ойида Буюк Карл Маркс билан танишди ва қадим дўстлашиб қолди. Шоирнинг «Хозирги замон шеърлари» туркуми, «Германия. Ўш эртаси» достони Маркс билан дўстлашгандан кейин яратилган асарларидир. Маркс Гейнега чуккур ҳурмат қилар, аъзолариди.

Гейненинг нафис ва жанговар ижоди жаҳонга кенг тарқалган. Унинг шеърларини Лермонтов, Некрасов, М. Михайлов, Мей, А. Блок, С. Маршак каби машҳур шоирлар рус тилига таржима қилган. Гейне шеърларини Герцен, Чернышевский, Добролюбов каби улуғ рус мутафаккирлари юксак баҳолаган эдилар. Гейне асарларини ўзбек тилига аждарида Ойбек, Шайхзода, Гафур Гулом, Миртемир, Амин Умарий каби атоқли шоирлар юксак маҳоратларини намойиш қилдилар.

Г. ГЕЙНЕ.

Билмам, недан бу ҳолат нишон,
Қайгулардан юрак вайрона,
Қутариламан ёлдамдан ҳамон
Қўл қилмадан қолган афсона.

Намхўшгина шом чўқар аста,
Рейн аро соқин ёйқилик.
Ботатган қуёш бирпасга
Чўққига бахш айлар ёйқилик.

Зарбоф қўйлақ кийиб ўлтирар,
У чўққига бир соқибкамол.
Зармучоқлардир нурда ўлтирар,
Кокиллари зар топа мисол.

Сиргантириб зарҳал тароқин,
У қиз ақиб қўшқ қўйлайди.
Қўзатару қўшқ титроқин,
Секр билан динин сийлайди.

ДАШТДАГИ ШАҲАРЧАЛАР

Дашти борнинг бахти бор... Бу нақл эскидан борми ёки янгидан пайдо бўлгани, ҳар ҳолда билиб туқилган. Деҳқончиликнинг истикболи, унинг нурли келажаги эндиликда янги ерлар очилди, янгидан-янги экин майдонлари барпо этишда эканлиги ҳаммага аён. Бу партиянинг XXIV съезди Директивларида ҳам алоҳида қайд этилди. Айниқса республикамизнинг улкан ҳаритасида ҳали ўлаштирилмаган, лекин деҳқончилик учун тоғда яроқли ерларни жуда кўп. Хозир ана шу очилмаган ерларни эканзорсига айлантириш учун катта ишлар олиб бориламоқда. Чунки, Қарши даштига кенг фронт бўйлаб ҳужум бошланди. Янги совхозлар қурилиши кундан-кунга ажаб олиб бораётди.

Мана, лаҳзада қадимий қиммасиз чўл

қўсида 9 ва 11-совхозларнинг посёлкалари бунёд этилди. Даштдаги бу янги шаҳарчаларнинг ҳозирги қиёфаси чиндан ҳам кишиларни қувонтирмақда. Чунки, бу ерларда тула-тўқис жиҳозланган уй-жой бинолари, муҳташам мактаблар, маданий-маиший объектлар, бир неча юз боллага мўлжалланган комбинатлар ва бошқа бинолар қадимий чўл бағридаги дастлабки қосоналардир. Булар совет кишиларининг азму қарори, ғайрат ва шижоати билан бунёд этилмақда.

Даштдаги 9-совхоз посёлкасини «Қарши-промжилстройнинг 2-механизацияланган кўма колониаси коллективи» ва бошқа бошқармалар барпо этишяпти. Бу посёлка атрофидаги совхоз ерларида эса «Қарши-стройнинг 14-мелиорация ишлари бош-

қармаси азаматлари киш олиб бормоқдалар. Совхоз ерларида сугориш ва дренаж шохобчаларини қуриш суръати ошмоқда. Шунинг учун ҳам бир қараганда ҳозирги кунда бепервон кенгликлар улкан қурилиш майдонига ўхшоб кетади. Бу ерларда бугунги куннинг қаҳрамонлари ишламоқда.

Одамлар кўпинча бу қаҳрамонлик, бу олийжаноблик деб айтади. Лекин меннинг наздимда у одатдаги ишдан, кундалик юмушдан тафовут йўқдек бўлиб туюлади, — дейди 6-механизацияланган кўма колониасида ишлаётган комсомол-ёшлар бригадасининг етакчиси Лев Цхей.

Бригада коллективи бу ерга комсомол йўлланмаси билан келган. Унинг ҳамма аъзолари ажир йигит-қизлар. Шу кунлар-

да кишининг аччиқ изғиринлари қарамай, кундалик топириқни икки бараварга етказиб бажаришмоқда.

Биз сувоқчилармиз, — дейишди комсомол аъзолари Людмила Анохина ва Евгения Финаваллар. — Қуриб турибсизки, касбиимиз жуда оддий, биноларга пардоз ва чирой берамиз, холос. Лекин ўйлеб қарасак бизнинг ишимизга ҳам кўп нарсаси босиб қолган. Шунинг учун ҳам топириқни ошириб бажаришни ўзимизнинг қатъий шоримизга айлантирганмиз.

Қарши даштида партия қақирғи ва қалб амри билан меҳнат қилаётган, умумхалқ ишида фидокорлик кўрсатган бундай ватанпарвар йигит-қизлар жуда кўп. Эҳдемай, улкан даштнинг иқболи очилди, эл-юрта, коммунизмга хизмат қила бошлади. Суратда: Қарши даштидаги 9-совхоз посёлкасининг кўриниши.

Н. Ключев фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси)



ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК

САНТЬЯГО. (ТАСС). «Чили билан СССР ўртасида дўстона ҳамкорлик кенгайтирилади» — «Сингло» газетаси Чили президенти Сальвадор Альенденнинг СССРга визити туғаниш муносабати билан эълон қилинган Совет—Чили қўшма ахборотининг тўла тексини ана шу сарлавҳа остида босиб чиқарди. Ахборот Чили пойтахтида чиқадиган



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Прагадаги Юнус Фучик номи паридида очилган «СССР 50 йил» аставасида натта муваффақият билан ўтмоқда. Пойтахтнинг, шунингдан бошқа шаҳар ва қишлоқларнинг ўн миңгаб меҳнатчилари Совет Иттифодининг ҳозирги босқинчидаги муваффақиятларини ақс эттирувчи кўргазма экспозициялари билан танидилар. Суратда: аставасида ЧТК-ТАСС фотоси.

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЕОМОМБОД. 11 декабрь. (ТАСС). Покистон президенти З. А. Бхутто Лоҳурда гапириб, объектив аҳволга асосланган ҳолда Бангладешни танишни зарурат деб ҳисоблайман, деди.

Покистон Халқ партиясининг бош секретари Д. Ра-

ҳим партия активларининг Карочида бўлиб ўтган йилги йиллашда сўзлаб, жумладан, Бангладеш давлатини қарийб бутун дунё таниган ҳозирги пайтда уни танишга қаршилик кўрсатиш хато иш бўларди, деди.

КОСМОНАВТЛАР ОЙДА

НЬЮ-ЙОРК. 11 декабрь. (ТАСС). 10 декабрь соат 22 дан 45 минут ўтганда (Москва вақти) «Аполлон-17» космик кемаси Ойнинг тексари томонки устида Ердая станциялардан кўриш зонасидадан ташқарида бўлганда Ой сари учиб траекториясидан бошланчи селеноцентрик орбитага ўтишни таъминлаш учун марш мотори тормоқлаш режимида ўтказилди.

Соат 23 дан 33 минут ўтганда «Аполлон-17» кемаси учирувчи ракетастанция охирига босқичи Ойга қўлаб тушди. Шу босқич зарбидан ҳужудга келган сейсмик тебранишларни «Аполлон» кемаларида бундан аввалги экспедициялар чоғида Ойга ўрнатилган турта сейсмометр 2 соат 40 минут давомида қайд этиб турди.

Кейма селеноцентрик орбитага ўтгани заҳоти геолог космонавт Шмитт кўз оладидаги ман. зарари шарҳлай бошлади. У кема Ой орбитага ўтиб, Ер билан алоқа боғлай олмайдиган пайтлардан истисно бир неча соат мобайнида муттасил шарҳлаб турди. Жумладан, Шмитт Ойнинг қоронғи уфи, да бўлган қақнашни қайд этди. Унинг фикрича, Гримальди кратери районида тушган метеорит шу қақнашни вужудга келтирган. Космонавтар Ой атрофидаги орбита бўйлаб иккинчи бор айланишда ўз кемалари қўниши мўлжалланган жойини кузатдилар. Учинчи айланишда Шмитт дубини ёрдам билан Ерни кузатиш ва



ЧИЛИ. Халқ бирлиги ҳукуматининг программаси мамлакат халқлари ва барча прогрессив кучларнинг ёрдами билан амалга оширилмоқда. Хўжаликнинг етакчи соҳаларида давлат позицияси мустахкамланмоқда. Суратда: Сантьяго йилиндаги Мануэл районида ишчилар учун қурилган янги уйлар.

Р. Князев фотоси. (ТАСС).

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ТОКИО. (ТАСС). Японияда бўлиб ўтган сайловларнинг дастлабки натижалари демократик кучларнинг катта муваффақиятларга эришганини кўрсатди. Коммунистик партия 35 ўринни (парламент кўйи палатасининг аввалги составида — 14 ўрин эди), социалистик партия аввал 87 ўринга эга бўлгани ҳолда бу сафар 110 ўринни эгаллади. Қолган 56 ўринни Комэйто, демократик социализм партияси ва мустақил номзодлар бўлиб олишди. Хўқирон либерал-демократик партия 260 ўринни эгаллаб, янги кабинетни тузиш ҳуқуқини қўлга киритди.

РАҲБАР ОРГАНЛАР МАЖЛИСИ

БОНН. (ТАСС). Бу ерда социал демократик партия раҳбар органларининг — бошқарма, партия кенгаши ва контрол комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 10 ноябрда Вундестагга сайловларнинг натижалари билан боғлиқ бўлган масалалар, шунингдек, Германия социал демократик партияси ва ернинг демократик партияси билан ўртасида янги коалицион ҳужумат тузиш тўғрисида музокараларнинг бориш муҳомаи қилинди.

ТЕЛТАЙП
ЛЕНТАСИДАН

ДЕХЛИ. Ҳайдаробод йилинда Ушумҳиндистон сейсмик станцияси қурилиши бошлаб юборилди. Қурилиш Совет Иттифодининг дўстона ёрдамида олиб бориламоқда. Янги йиллар ичида ишга тушадиган бу станция Ҳиндистоннинг сейсмик шарт-шароитларини кенгроқ ўрганиш ва тегишли карталар тузиш имконини беради.

БРЮССЕЛЬ. Бельгия пойтахтида жойлашган «Умумий бозор» муассасасининг 6 минг хизматчиси иш ташлади. Улар иш қилишини оширишлари ва меҳнат шартининг яхшиланганини талаб қилмоқдалар.

ПАРИЖ. Демократик Греция учун курашаётган Франдия комитети Грециянинг Париждаги элчихонасига ташриф буюриб, мазкур мамлакатдаги барча сиёсий маҳбусларни дарҳол озод қилиш тўғрисида талабнома топширди. Талабномага Франциянинг 1000 та таниқли жамоат аъзоси имзо чекиди.

БЕЛГРАД. Югославиянинг Загреб шаҳрида СССР ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланган совет иттифодлари виставаси очилди. Виставида Совет Иттифодининг кўпгина халқлари тилидада нашр этилган 2300 нитоб қўйилган.

ЖАЗОИР. Мамлакат пойтахтида ташкил этилган совет гравиораси виставаси зўр муваффақият билан ўтмоқда. Жазоир — СССР дўстлиги жамияти ташкил этган бу кўргазма Совет Иттифодининг 50 йиллик юбилейига бағишланди.

ВАРШАВА. Бу ерда совет маданиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Совет Иттифодининг 50 йиллик муносабати билан ташкил этилган бу семинарда мамлакатнинг барча чек. каларидадан келган ёш ёзувчилар иштирок этишди.

ХЕЛЬСИНКИ. Турку шаҳридаги «Холмнинг» фирмасининг немасозлик қорхонасида «Вера Мухина» деган ёғоч-тахта таъини янги мема суға туширилди. 4 минг тонна юл кўтари оладиган бу кема Совет Иттифодининг бюройтаси билан қурилатган шу хилдаги 5 та неманинг иккинчисидир.

ТЕХРОН. Бу ерда кардиологларнинг халқаро семинари очилди. Семинар ишида Янги ва Ўрта Шаридаги 19 мамлакатдан келган врачлар иштирок этмоқдалар. Семинарда юрак касаллиқларини даволаш усуллари қараб чиқиляпти.

СОФИЯ. БТА агентлигининг хабар беришича, Варнен округида темир йўл ҳалқати ози берган. «София — Толбухин» пассажир поездни юл ташувчи состав билан тўқнашиб қотганлиги натижасида 26 йўловчи ўлган ва 10 киши жардор бўлган. Ҳалокат сабабларини текшириш учун ҳукумат комиссияси тузилди.

ЖЕНЕВА. Швейцарияда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойафзал ва бошқа ўй зарур буюмлар нархи сўнги йили ичида 7 процентга қимматлашди. Квартира ҳақи эса 3 процент кўтарилди.

БОНН. Германия Федератив Республикаси ишлаб чиқаришда ҳар йили 3 миллион бахтсиз ҳодиса рўй бермоқда. Матбуотда эълон қилинган маълумотларга кўра, 1971 йилда ГФР заводлари ва фабрикаларида 1970 йилга нисбатан 8 процент кўп, яъни 4840 киши халок бўлган. (ТАСС).

ТЕАТР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ. 17.55 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.30 — Таниш одам (телефильм), 19.40 — Ахборот, 20.00 — Хўр республикалар бўзимас иттифоди. Татаристон АССР (Москва), 20.30 — Ахборот, 20.45 — Ўн минут музика. 21.10 — Токионистон СССРда хизмат кўрсатган артист Мурабон Муродов кўйлайди, 22.00 — МОСКВА, «Ванга», 22.30 — Фигуралли учини бўлиш халқаро мусобақалари, 01.00 — Футбол: «Кайзерслаутерн» (ГФР) — «Арарат» (Ереван). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.50 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 13.00 — Давид қадим (бадий фильмнинг 1, 2-сериялари), 17.50 — МОСКВА, 17.55 — Янгиликлар, 18.00 — «Костёр», 18.30 — Кашфит оламида, 19.00 — Фотохавасорлар учун кўрсатув, 19.30 — Қўшчи — ҳамроҳимиз, 20.00 — Автоматизатор биолетени (Тошкент), 20.30 — Ичкиликбиозининг қоралаймиз (Суд эалидан репортаж), 22.00 — ТОШКЕНТ, 22.40 — Порталитилган дўш (бадий фильм), УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 20.20 — Фильм-концерт, 21.20 — Тошкент янгиликлари, 21.30 — Солярис (телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/ХД да Трубачур, 14/ХД да Богчасарой фонтани.

КИНО

Гоя — («ЎЗБЕКИСТОН» (қунидуз ва кечурун), «ДРУЖБА» қунидуз соат 11, 2,5 ва кеч 8.40 минута).

Кавининг ҳарвати — («ЎЗБЕКИСТОН 25 ПИЛЛИГ» (қунидуз соат 11, 3 ва кеч 7 да).

Напалак раиси — ХАМЗА номли (қунидуз ва кечурун).

Петербург билан видолашу (қунидуз соат 1,5 кеч 8.45 минут ва 10 да), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Оловнинг бўйсундирилмиши — («МОСКВА» (қунидуз соат 12 ярим ва кеч 6 да).

Норкининг ҳаёти — «СПУТНИК» (гоқ соатларда).

Атаваннинг тугатилиши — «КОМСОМЛ 30 ПИЛЛИГ» (қунидуз ва кечурун).

Тегирмон тўхтаганда — «ВОС-ТОК» (қунидуз ва кечурун).

МУАССАСАЛАР ВА ИДОРАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1973 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН БОШЛАБ:

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИДА РУС ТИЛИДА ҲАҲАЛЛА РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛИ ИЛОВА

ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Иловада ташкилотлар, қорхоналар, муассасалар, идоралар ва граждандардан олинган реклама ва эълонлар кенг равишда берилади.

Граждандардан турар-жойларини алмаштириш, шахсий буюмларини (телевизор, радиоприйимик, пишанни ва қонасларини) сотиб олиш ва сотиш, ҳужжатларнинг йўқолиганини тўғрисида, сенография ва маиший ашёнинг ўзгариш, дарс бериш тўғрисидаги ва бошқа шунга ўхшаш эълонлар қабул қилинади.

Буюртманингинг қоҳиши бўлмиш реклама ва эълонлар безаниб бўлиши ва шеър, очерк, корреспонденция, шаклида берилиши мумкин.

Справклар учун адрес: Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриятининг эълонлар бўлими, «Правда Востока» кўчаси, 28-й, 2-қават, 133-135-хоналар (телефон — 33.81-42, коммутатор 33.02-49 дан 33.02-58 гача, қўшмача 5-07, 7-27).

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги ва Ўзбекистон Кўрлар жамияти правленеисининг Марказий Президиуми Президиум аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсционер, 1926 йилдан бўён КПСС аъзоси

Болта Шарифович АХМЕДОВНИНГ

вафот этганини, чуқур қайгу билан билдирадиган ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика миқёсидаги шахсий пенсционер, 1918 йилдан бўён КПСС аъзоси

Абдушукур АБДУРАШИДОВНИНГ

вафот этганини чуқур қайгу билан билдирадиган ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОВОВ.